2011 йил 19 декабрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 242 (12.053) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Келажак овози – 2011»

## ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАРГА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган, юқори ижодий-интеллектуал салоҳиятга эга авлод вояга етмоқда.**

Ёшлар ижод саройида бошланган «Келажак овози – 2011» республика кўрик-танловининг якуний босқичида бу жиҳатлар яна бир карра ўз тасдиғини топмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу йирик лойиҳада танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи иштирокчилари ўз билим ва истеъдодини намойиш этаётир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий анъаналар руҳида камол топган, юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш, йигит-қизларга замонавий асосда билим бериш, уларни ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтириш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланган. Бу борада ёшларга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда, улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётир. Таълим тизимининг барча бўғинларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида жаҳон андозалари даражасидаги билим масканлари барпо этилиб, ўқитиш сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга чиқди. Айни пайтда реал иқтисодиёт талабларига мос юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятида барча ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ўқиши, изланиши, иқтидорини намоён этиши учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш, илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга жорий этиш учун яқиндан кўмаклашиш муҳим ўрин тутади. Анъанавий «Келажак овози» республика кўрик-танлови ёшларнинг билим ва маҳоратини кенгайтириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг келгуси фаолиятини янада юқори талаблар асосида йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.

Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналиши бўйича ўз истеъдодини намойиш этмоқда. Маҳорат кўриги ёшларнинг орзу-умидлари, қизиқиш ва интилишига ҳамоҳанг эканини иштирокчилар сафининг йил сайин кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Танлов илк бор ўтказилган 2005 йилда унда 3 минг нафар ёш қатнашган бўлса, «Келажак овози – 2011»нинг иштирокчилари 76 минг нафардан ошди. Жорий йилда ушбу кўрикда иштирок этиш истагидаги йигит-қизлар таълим даргоҳлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг жойлардаги бўлимларида ҳамда интернет орқали ҳужжат тўлдириш имконига эга бўлдилар.

Маҳфуза Абдураҳмонова Самарқанд шаҳридаги компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-ҳунар коллежининг учинчи босқичида ўқийди. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг аҳоли гавжум даҳаси ҳудудида болалар учун истироҳат боғини барпо этишга оид лойиҳани архитектура ва дизайн йўналиши бўйича тақдим этди.

– Мамлакатимизда болалар учун истироҳат боғларини барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Маҳфуза. – Лойиҳамда акс эттирилган истироҳат маскани турли аттракционлар билан бирга фан, бадиий ижодиёт тўгараклари хоналари, сузиш ҳавзаси, волейбол, баскетбол, мини-футбол бўйича майдончалар, шунингдек, иқлим шароитимизга мос ландшафт дизайнли кўкаламзорлаштирилган ҳудудни ўз ичига олади. Бундай танловда иштирок этиш меъморлик билан бирга илм-фаннинг турли йўналишларига оид билимимизни бойитишга хизмат қилади.

«Келажак овози – 2011» танлови доирасида кўргазмалар, маҳорат сабоқлари, тақдимот маросимлари, концертлар, учрашувлар ўтказилади. Ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими 21 декабрь куни Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтади.

**(ЎзА)**

## ИСТИҚБОЛЛИ ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР АНИҚЛАНДИ

**Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида медиа соҳани қўллаб-қувватлаш, унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга оид муҳим вазифалар белгиланган.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан жорий йилда ўтказилган навбатдаги – бешинчи грант танлов ушбу вазифалар ижросини таъминлашга йўналтирилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур грант танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолиятига кенг йўл очиш, бу борада зарур имкониятларни яратиш масаласига улкан эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мазкур навбатдаги грант ҳам миллий медиа соҳанинг сифат ва савиясини янада ошириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатишига яқиндан кўмаклашишдек мақсадларга хизмат қилади. Унда юздан ортиқ нодавлат оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари 124 лойиҳа билан қатнашди. Уларни саралашда долзарблиги, ижтимоий аҳамияти, медиа тузилма фаолиятининг самарадорлиги, тажрибаси, ғояни амалга ошириш салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. 22 лойиҳани молиялаштиришга қарор қилинди.

Танловда ғолиб чиққан нодавлат босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари вакилларига сертификатлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Тошкентда «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий тизимини яратишда халқаро ҳуқуқий стандартлар ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи офиси ва Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармасининг ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ

Анжуманда Буюк Британия, Дания, Словакия, Словения ва Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар экспертлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, таълим, илмий муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда мамлакатимиздаги бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларига устувор эътибор қаратилаётган ҳуқуқий макон яратилгани таъкидланди. Халқаро демократик принциплар ва мамлакатимизни ривожлантиришга оид вазифалар ҳисобга олинган ҳолда, тегишли қонунчилик яратилди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклигига асосланган миллий механизм мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва инсон ҳуқуқлари бўйича самарали фаолият кўрсатаётган бошқа миллий институтлар тизимининг ташкил этилгани Ўзбекистонни демократик ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу мустақил институтлар жамиятимизда қонун устуворлиги тамойилига амал қилиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини қонунга мувофиқ ҳимоя қилишда ёрдам бермоқда ҳамда шу мақсадда мамлакатимиз давлат тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликларидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус бўлинмалар ҳам шахс ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш миллий тизимига киради.

Хусусан, 1996 йил давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази кенг ваколатларга эга. У давлат органлари ва фуқаролик институтларининг инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларининг тегишли қоидаларини амалга ошириш стратегияларини ишлаб чиқади, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказади, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқади, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида турли адабиётлар тайёрлаб, чоп этади.

«Ҳар қандай мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими кўплаб давлат тузилмалари томонидан шакллантирилади, – дейди ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Иштван Венцель. – Бу тизимда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзига хос кўприк ҳисобланган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар алоҳида ўрин тутади. Аксарият мамлакатларда улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу институтлар самарали фаолият юритиши учун, бир томондан давлат органлари ёрдам бериши, иккинчи томондан эса, улар давлатдан мустақил бўлиши лозим. ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўп йиллардан буён инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун устуворлиги тамойилини илгари суриш, демократик фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кўплаб ташаббуслар ҳамкорликда амалга оширилди. Ҳамкорлигимиз натижалари жамиятда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнини янада мустаҳкамлаш бўйича биргаликда амалга оширилаётган ишларга соя солмоқчи бўлганларга бизнинг муносиб жавобимиздир».

Конференция иштирокчилари ўз чиқишларида мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича ўзининг халқаро мажбуриятларини изчил бажараётганини таъкидладилар. Ўзбекистон бу борада етмишдан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатга қўшилган. Халқаро стандартлар миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига босқичма-босқич имплементация қилинмоқда. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан Ўзбекистоннинг Универсал даврий шарҳини кўриб чиқиш натижалари бўйича берилган тавсияларни бажаришга доир Миллий ҳаракат режаси амалга оширилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Олмазор туман бўлими Кенгаши томонидан жойларда «Камолот»дан Янги йил» лойиҳаси ўтказилмоқда.

✓ **ТОШКЕНТ** Молия институтида «Психология ва мен» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Марказий офицерлар уйида Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими ва Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида тадбир бўлиб ўтади.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тошкентда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан «Ахборот хизматлари фаолияти самарадорлиги ва жамиятдаги ошкоралик» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

**● Навоий давлат кончилик институтида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир онлайн-видеомулоқот тарзида ташкил этилиб, уни НДКИнинг Зарафшон шаҳридаги умумтехника ва Олмаликдаги кон-металлургия факультети талабалари ҳам кузатиб борди.**

**● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор тараққиёт соҳасидаги энг яхши журналистик ишлар бўйича «Қоплон-2011» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.**

**● Фарғона шаҳридаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Оила — жамиятнинг асосий бўғини» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда маҳаллалар фаоллари қатнашди.**

**● Бойсун туманидаги «Бахтиёр Одилбек» хусусий корхонасида банкнинг 55 миллион сўмлик кўмаги билан қурилишда кенг қўлланиладиган гипс ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

**● Япониянинг Токио университети билан Андижон давлат университети ўртасида «Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум» имзоланди. Келишувга биноан келгуси икки ой ичида японларнинг Андижонга ташрифи ва 2012 йилнинг 1 сентябридан дастурнинг амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.**

**● Олмалиқ шаҳрида жорий йилнинг ўн ойи мобайнида тадбиркорлик субъектларига қарийб 14 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди, бу эса 2035 та иш ўрни яратиш имконини берди.**

**● «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган «Йил аёли — 2011» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қуйи босқичларида ғолиб чиққан 13 нафар аёл иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШ ва Европа Иттифоқи Белоруссиядан барча сиёсий маҳбусларни озод этишни талаб қилмоқда.**

**● Кучли жала оқибатида Бразилиянинг 20 га яқин шаҳарларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

**● Жорий йилнинг учинчи чораги якунида Грецияда ишсизлар сони қарийб 900 минг кишига етди. Бу мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 17,7 фоизини ташкил этади. Экспертларнинг фикрича, Грецияда икки йилдан буён кузатилаётган иқтисодий танглик ана шундай салбий кўрсаткичларни келтириб чиқарган.**

**● Бугун Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар молия вазирлари иштирокида телеконференция ўтказилади.**

**● Чехияда мамлакатнинг собиқ президенти Вацлав Гавел 75 ёшида вафот этди.**

**● Филиппинга Важи тропик тўфонининг хуружи натижасида 450 киши ҳаётдан кўз юмди, 900 дан ортиқ одам бедарак йўқолди.**

**● Исроил маъмурлари ҳарбий Г.Шалитни озодликка чиқариш юзасидан тузилган келишувга мувофиқ 550 нафар фаластинлик маҳбусларни ҳибсдан озод қилди.**

**● АҚШда фаолият олиб бораётган «Денвера» компанияси ойнанинг янги турини яратди. Таъкидлаш жоизки, у ташқаридан келаётган иссиқ ҳароратни ичкарига умуман ўтказмайди. Бу янгилик кўплаб йирик корхоналар раҳбарларининг эътиборини тортди ва улар ана шундай ойналар билан ўз муассасаларини жиҳозлашга қарор қилишмоқда.**

**● Украинада ноқулай об-ҳаво шароити юзага келганлиги натижасида 79 та аҳоли яшаш пунктлари электр қувватидан узилиб қолди.**

**● АҚШлик режиссёр Хуман Халилий замонавий қўл телефонида тўла метражли фильмни суратга олишга муваффақ бўлди.«Olive» дея номланган ушбу картинани суратга олишга 500 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Экспертлар ушбу фильмнинг сифатли тарзда суратга олинганини таъкидлашмоқда.**

**Мустақиллигимизнинг ўтган даврида Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бугун шуни қатъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч-осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатига айланди. Давлатимиз раҳбарининг таклифи ва ташаббуси билан армиямизни босқичма-босқич ислоҳ қилиш натижасида юртимизда ҳар қандай жанговар вазифани адо этишга қодир, ихчам ва ҳаракатчан замонавий армия шакллантирилди.**



### Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

## МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ТИНЧ-ОСУДА ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди. Мамлакатимиз мудофаасига энг замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар жалб этилди. Ҳарбий таълимни ислоҳ қилишга катта эътибор берилди. Олий ҳарбий таълим тармоқлари кенгайтирилиб, миллий кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос тизими яратилди. Шунингдек, профессионал мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштирилган, замон талабларига жавоб берадиган Сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.

Шу билан бирга ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши оширилди, резервга бўшатилганда уларга энг кам иш ҳақининг 16 баробари миқдорида пул бериладиган бўлди. Барча қулайликларга эга янги турар жойлар барпо этилиб, ҳарбий қисмларда компьютер хоналарини ташкил этишга катта эътибор қаратилди. Озиқ-овқат билан таъминлашда илмий асосланган янги меъёрларнинг жорий этилиши, барча қисмларда фитобарлар ташкил этилгани, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларга кундалик бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрларининг, қувватининг оширилганини алоҳида қайд этиш керак.

Йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақирув жараёни бўладими, ҳарбий хизматни ўтаб қайтганидан кейинги даври бўладими, хуллас, барчаси ҳукуматимиз эътибори ва ғамхўрлигида.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ тинчлигимиз гарови бўлмиш Қуролли Кучларимизни малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида қаралди ва бугун шуни алоҳида қайд этиш керакки, Миллий армиямизга зарур бўлган барча мутахассислар ўзимизда тайёрланмоқда. Ҳа, бугун ўзимизнинг етук ҳарбий кадрларимиз Ватанимиз ҳимоясида турибди. Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллашган, балки юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, халқимизга бўлган садоқати билан ажралиб туришади. Бир сўз билан айтганда, ҳарбий хизматчилар ўз бурчларини юксак профессионал даражада адо этишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли армиямиз профессионаллашиб боряпти. Замон талабларига жавоб берадиган Миллий армияни шакллантиришдан кўзланган бош мақсад — халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишдир. Бугунги кунда аскарларимиз энг замонавий қурол-яроғ, ҳарбий техника билан таъминланган. Халқимиз оддий аскар ва сержантларга эътибор ҳамда эҳтиром кўрсатмоқда. Улар ана шу ишончга муносиб бўлиш учун ўз маҳоратларини тинимсиз оширишмоқда.

Йигитларнинг ҳарбий хизматга танлаб олинаётгани армиямиз нуфузи ошиб бораётганлигига яққол далил бўла олади. Шунинг ўзи ҳам Қуролли Кучларимиз сафида мард ва жасур ўғлонлар хизмат қилаётганлигини, асл профессионаллар Ватанимизни қўриқлаётганини кўрсатиб турибди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Миллий армиямиз халқимиз учун том маънодаги фахр-ифтихор манбаи, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун чинакам ҳаёт мактаби бўлиб қолди. Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигит учун олий шарафга айланди. Халқимиз шарафли касб эгалари — ҳарбий хизматчиларни сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қила оладиган Ватанимиз ҳимоячилари, дея ҳақли равишда фахрланади.

Ватан ҳимоячилари! Улар юртига, халқига содиқ фарзандлар! Азамат аскарларимиз, моҳир сержантларимиз, кўкси қалқон офицерларимиз бизнинг фахримиз, ифтихоримиз. Улар бор юрт тинч. Мард ва жасур ўғлонларни ҳар қанча шарафласак, таърифласак ярашади. Негаки, улар Ватан ҳимоясида турибди.

**Равшан ШОДИЕВ**



**Юртимизда фаолият олиб борувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари тизимларида Касаба уюшмаларининг аҳамияти кундан кунга ортиб бораётир. Куни кеча Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ўтказилган ушбу соҳа фаолиятини кучайтириш ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ходимларининг билимини оширишга қаратилган ўқув машғулоти давомида ҳам шу ҳақда сўз борди.**

### Касаба уюшмалари фаолиятидан

## МУҲИМ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Ўқув-семинарда бошланғич касаба уюшма ташкилотларидаги янги сайланган тафтиш комиссияларининг раислари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг тегишли бўлим мудирлари ҳамда масъул ходимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар доирасида айтиб ўтилганидек, касаба уюшмалари ходимлари ҳамда фаолларининг билимини янада оширишда бу каби машғулотлар алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, корхона, ташкилот, муассасаларда фаолият олиб борувчи бошланғич ташкилот ходимлари ўзларига керакли бўлган маълумотларга эга бўладилар ҳамда соҳа ривожи йўлида ишлаб чиқилган янги қонунларни ўзлаштириб оладилар. Бунинг натижасида эса, жойларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги ошади.

– Бу каби машғулотларнинг ташкил этилиши жойларда фаолият олиб борувчи бошланғич касаба уюшма ташкилотлари молиявий томонларининг яхшиланишига ва ходимлар малакасининг янада оширилишига хизмат қилади, – дейди Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши бош ҳисобчиси Маҳмуд Ўрмонов. – Дарҳақиқат, мустақил мамлакатимизда соҳа ривожи, мукаммаллашуви борасида, аҳоли манфаатлари йўлида ишлаб чиқилаётган қонунлар ва амалга оширилаётган ишлар талайгина.

Ўқув-семинарда мутахассислар томонидан бошланғич касаба уюшма ташкилотларидаги янги сайланган тафтиш комиссияси раисларининг нафақат иқтисодий-молия соҳасидаги билимларини ошириш, шунингдек, касаба уюшмаси бюджети ва ижтимоий суғурта маблағларидан оқилона, мақсадли тарзда тўғри фойдаланиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатиш, шу орқали уларга амалий-услубий ёрдам бериш юзасидан маърузалар тингланди.

Анжуман сўнгида қатнашчиларга ташкилотчилар томонидан қўлланмалар, маълумотномалар тарқатилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган ва билиб олишлари зарур бўлган саволларга жавоб олдилар ва касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларининг истиқболи, тараққиёти ҳамда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

**Садоқат ИСАЕВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

### Тадбирлар

## ИНСОН ЭРКИНЛИГИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан «Ички ишлар ходимлари — инсон ҳуқуқлари ҳимоясида» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

Дарҳақиқат, инсон учун энг бебаҳо неъмат–бу унинг ҳаёти, эркинлиги, ҳуқуқи ва қадр-қимматидир. Бу каби неъматнинг ишлаб чиқилаётган қонунлар билан ҳуқуқий ҳимояланганлиги эса нур устига аъло нурдир.

Бош Қомусимиз бўлмиш Конституциямизнинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб белгилангани, қайд этганларимизнинг айни қонуний исботидир. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ички ишлар идораларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳам инсон учун энг азиз бўлган ҳаётига раҳна солувчи барча жиноятларни бартараф этиш ва олдини олишдан иборат.

Тадбирда юртимиз мустақилликка эришгач, қисқа муддат ичида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи қатор қонунлар ишлаб чиқилганлигию амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

– Жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби ғоялар бош мақсад сифатида мужассамдир, – дейди шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Юлдуз Аширова. – Бугунги матбуот анжумани ҳам айнан шу йўналишда олиб борилаётган ишлар бўйича тажрибаларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган. Бугунги кунда ички ишлар идораларининг ходимлари, ўз хизмат фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва Ички ишлар вазирлиги буйруқларининг талабларига қатъий риоя қилиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида кенг кўламдаги ишларни олиб бормоқда. Жумладан, юксак маданиятга, пухта билимга эга бўлиб, фуқаролар билан муомала қилиш, одоб, хулқ-атвори билан хизматдошларига ва маҳалладошларига ўрнак бўлиш, Ўзбекистон равнақи йўлида хизмат кўрсатиш, ҳалоллик, пок виждонлик, камтарлик каби фазилатлар соҳиби бўлиш, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилмасдан, тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш шулар жумласидандир. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларида фуқароларнинг мурожаатлари учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, ишонч телефонлари 24 соат давомида мунтазам ўз фаолиятини юритади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жамиятда энг олий қадрият саналган инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролар хавфсизлигини муҳофаза қилишда, шу билан бирга жамоат тартибини сақлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ўрни беқиёс.

Тадбир давомида иштирок этган тегишли идоралар вакиллари, ҳамкор давлат ва нодавлат ташкилотлар ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қонун ижодкорлиги ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, шунингдек ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Садоқат АСЛАНОВА**

## АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛАЙЛИК!

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Аждодларга муносиб авлод бўлайлик» шиори остида мини футбол бўйича мусобақа ўтказилди.**

Шаҳарча ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг йигирма йиллигига бағишланди. Унда ҳудуддаги таълим муассасалари талабалари ва маҳаллаларда истиқомат қилувчи ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган эътибор кундан кун ортмоқда. Ёшлар учун кўплаб замонавий очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, спорт мажмуалари барпо этилди. Янги қурилган иншоотларда спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Бу эса ёшларнинг ўзи хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишида муҳим омил ҳисобланади.

Талабалар шаҳарчасида ҳам ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилиб, турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва фестиваллар ўтказилади.

Мини футбол мусобақасида ҳудуддаги 6 та умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ҳам иштирок этди.

— Асосий мақсад соғлом турмуш тарзини аҳоли орасида тарғиб қилишдир, — дейди шаҳарча ҳокимлиги мутахассиси Алишер Қодиров. — Бунинг асосини эса, турли спорт эстафета, фестиваль ва мусобақалари ташкил этади. Анъанавий тарзда ўтказиладиган спорт байрамларида ўқувчи-талабалар билан бир қаторда ўқитувчилар, таълим муассасалари мутахассисларининг иштирок этиши айниқса, аҳамиятлидир. Буларнинг бари ўқувчи ва талабалар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни янада оммалаштириш, уларни турли ёт ғояларга, айнан гиёҳвандликка қарши курашишга ундаш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ўқувчи-ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, келгусида уларнинг ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом, мустақил фикрига эга комил инсон бўлиб етишишида ёрдам беради.

Беллашувда нафақат ўқувчи-талабалар, балки спортга қизиқиб, бўш вақтларида спорт тўгаракларига қатнашиб келаётган маҳалла ёшлари ҳам иштирок этди. Натижага кўра, Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактаби жамоаси ғолиб топилди.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Мазкур анжуман нафақат Ўзбекистон, балки шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида иш юритаётган бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам фойдали, ҳам муҳимдир, – дейди Шотландия Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси маслаҳатчиси Брюс Адамсон. – Европа мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтларни шакллантириш БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йилги резолюцияси ва унинг асосини ташкил қиладиган халқаро принципларга мувофиқ бошланди. Ҳатто, бугунги кунда ҳам уларнинг аксариятининг фаолияти бу принципларга тўлиқ жавоб бермайди. Бизнинг комиссиямиз 2006 йилда ташкил этилган. Бу борада Ўзбекистоннинг тажрибаси катта ва ўрнак олса арзигулик жиҳатлар кўп. Масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур конференция турли давлатларда бу соҳада мавжуд муаммоларни муҳокама этиш, тажриба ва билим алмашиш имконини берди. Бундай нуфузли анжуманларни ўтказиш Ўзбекистонда яхши амалиётга айланганининг гувоҳи бўлдим. Зеро, биз амалга ошираётган барча ишлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, пировард натижада, унинг ҳаётини яхшилаш билан боғлиқдир. Шу сабабли мамлакатингиз билан бу борада ҳамкорликни ривожлантиришга интилмоқдамиз».

Хорижий экспертлар Ўзбекистон шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг қатор муҳим йўналишлари бўйича дунёнинг кўпгина давлатларига ўрнак бўлаётганини таъкидладилар. Мисол учун, мамлакатимизда 2008 йилда ўлим жазосининг бекор қилингани юксак инсонпарварлик намунаси бўлди. «Хабеас Корпус» институти жорий қилинди, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги босқичма-босқич либераллаштирилиб, инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштирилмоқда, суд-ҳуқуқ соҳасини янада эркинлаштиришга доир бошқа чоралар кўрилмоқда.

Даниянинг инсон ҳуқуқлари бўйича институтининг катта маслаҳатчиси Пол Далтоннинг сўзларига кўра, Ўзбекистон ва Европа мамлакатларида, шу жумладан, Данияда инсон ҳуқуқларини таъминлаш тизимлари ўртасида жуда катта фарқ мавжуд, деб ўйлайдиганлар ҳамон бор. Бироқ, бундай эмас. «Дарҳақиқат, фарқ бор, – дейди у. – Аммо, бу аввало шундан иборатки, Дания бир неча юз йил илгари мустақилликка эришиб, ўз Конституциясини 1863 йилда қабул қилган ва бу мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратишда асос бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришганига эса атиги 20 йил бўлди. Лекин шунга қарамай, ўтган қисқа вақт ичида қандай улкан ишлар амалга оширилганини кўриб турибмиз. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Данияда парламент тузилмаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш. Энг муҳими – мамлакатингизда ушбу институтлар мустақиллигини таъминлаш, давлат органлари ҳамда нодавлат муассасаларнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиши устидан мониторингни амалга ошириши учун самарали чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги катта тажрибаси ва Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган янги ташаббуслар аҳамияти ниҳоятда муҳим».

Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий тизимни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ушбу дастурий ҳужжатдаги пухта ўйланган қонунчилик ташаббуслари замирида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш мақсади мужассам. Ушбу ҳужжатга мувофиқ изчиллик билан қабул қилинаётган янги қонунлар бу борада барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар, шунингдек, мазкур жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ҳам иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Концепция асосида Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилмоқда. Унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш соҳасида қонунларга риоя қилиш устидан жамоатчилик мониторингини амалга оширишга доир чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Словакия инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази эксперти Барбара Остоверчанинг таъкидлашича, «конференцияда бугун нафақат Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари, балки бутун дунёда муҳокама этилаётган ўта муҳим масалалар кўриб чиқилди. Улар инсоннинг, жумладан, аҳолининг болалар, кексалар, ногиронлар каби ҳимояга муҳтож қатламлари ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқдир. Икки ҳафта бурун Словакияда Ўзбекистон делегациясини қабул қилдик ва ҳамкасбларимизни мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалда қўлланилаётган тизим билан таништирдик. Бу ташриф Ўзбекистон билан Словакия ўртасида ушбу соҳада ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган кейинги тадбирларни белгилаб олиш учун жуда зарур эди. Менимча, Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар мамлакатингиз демократия соҳасидаги мавжуд ютуқларни мустаҳкамлаш ва шу мақсадда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан оғишмай бораётганидан ёрқин далолатдир».

Шу муносабат билан конференция қатнашчилари ўз чиқишларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни янада ривожлантириш, уларнинг фаолиятига халқаро принципларни янада кенг жорий этиш, қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда уларнинг таъсирини кучайтириш, бу борада амалга оширилаётган ахборот-маърифат ва таълим ишларида мувофиқлаштириш даражасини ошириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини қайд этдилар.

«Ўзбекистонга биринчи келишим, – дейди Словениянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсмани ўринбосари Корнелия Марзель. – Миллий институтларингиз, жумладан, Омбудсман институти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолияти билан танишдим. Шуни айтишим керакки, улар аниқ ва пухта ўйланган стратегияга асосланган ҳамда жуда яхши ташкил қилинган самарали ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистонда уларнинг фаолияти энг юксак давлат даражасида қўллаб-қувватланаётгани бу борада муҳим ўрин тутади. Конференциядаги иштироким асносида мамлакатингизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими қай даражада самарали йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлдим, ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан бевосита алоқа ўрнатиш, тажриба алмашиш имконига эга бўлдим. Буларнинг барчаси келажакда дунё мамлакатлари учун долзарб бўлган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади».

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини қонунчилигимизга ва уни амалга ошириш жараёнига изчил имплементация қилиш борасида катта тажриба тўплангани алоҳида таъкидланди. Хорижлик эксперт ва мутахассислар ушбу тажрибани ўрганиш зарур ва бошқа мамлакатларда ундан энг яхши амалиёт сифатида фойдаланиш мумкин, деган хулосага келди.

Конференция якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**



**«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида кураш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.**

Кураш

## МАҚСАД — ТЕРМА ЖАМОА ТАРКИБИНИ БОЙИТИШ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Кураш миллий федерацияси ҳамкорлигида миллий спортимизни янада оммалаштириш, терма жамоамиз таркибини иқтидорли ёш полвонлар билан бойитиш мақсадида ташкил этилган мусобақада юртимизнинг барча ҳудудларидан 150 нафарга яқин полвон ғолиблик учун беллашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида халқимизнинг миллий спорт тури – кураш халқаро миқёсда кенг оммалашаётир.

Ўзбекистон кубоги баҳсларида ёш, истеъдодли спортчилар билан бирга халқаро майдонларда ўзини синаган тажрибали полвонлар ҳам қатнашгани беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

– Вазни 90 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида қорақалпоғистонлик рақибимга қарши гиламга чиқиб, ғалаба қозондим, – дейди «Ислом Каримов» анъанавий халқаро турнирининг кумуш медали совриндори, қашқадарёлик Зафар Бўриев. – Кураш билан шуғулланувчилар сафи тобора кенгайиб, рақобатчиларимиз кўпайиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Чунки бу кураш бўйича жаҳон миқёсида ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга энг муносиб полвонларни саралаш имконини беради.

Мусобақанинг шахсий беллашувларида андижонлик Шароф Лутфуллаев, бухоролик Ҳамид Умидов, Фаёз Файзуллаев, Илғор Асадов, Тошкент вилоятидан Беҳзод Бойкелдиев, Соҳиб Қурбонов ва қашқадарёлик Зафар Бўриев шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Хотин-қизлар баҳсида пойтахтлик Наргиза Ҳамдамова, Розия Рўзимуродова, самарқандлик Нодира Гулова ва сурхондарёлик Қундуз Қушбоқова олтин медални қўлга киритди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

Ҳайрли ташаббус

## БАРКАМОЛ АВЛОД — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

**Олмазор туманида «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши, шаҳарча ҳокимлиги ҳамда ҳудуддаги Ўрта махсус таълим муассасалари ҳамкорлигида ўқувчи-ёшларда миллийлик туйғусини оширишга қаратилган «Ватанпарварлик руҳи», «Миллий ғурур ҳисси» ва бошқа мавзуларда иншолар кўрик-танлови ўтказилди.**

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда ёшларимиз онгига баркамол авлод тушунчасини сингдириш, уларнинг соғлом ва етук бўлиб вояга етишларида барча шарт-шароитларни яратиб бериш, жамиятда ўз ўринларига эга бўлишларида кўмаклашиш, фикрларини очиқ ва ошкора билдира олишларига ўргатиш нафақат давлат ва жамоат ташкилотлари, балки, жамият олдида турган муҳим масалалар қаторига киради.

Дарҳақиқат, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман бўлими Кенгаши ва ушбу туманда фаолият олиб бораётган барча мутасадди ташкилотлар томонидан истиқлол авлодларини баркамол вояга етказиш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Навбатдаги бўлиб ўтган тадбир ҳам ёшларни камолотга етакловчи аҳамият касб этиши билан эътиборга лойиқ.

– Ҳаракат етакчилари томонидан турли соҳа ва йўналишларда самарали лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир, – дейди «Камолот» ЁИҲ Олмазор туман бўлими Кенгаши «Камалак» болалар ташкилоти раиси Асқар Имомхўжаев. – Мустақиллик фарзандларини истиқлол руҳида тарбиялаш, уларни Ватанга муҳаббатли, халқимизга содиқ, маънавий баркамол шахс бўлиб униб-ўсишларида бу каби танловлар албатта муҳим аҳамиятга молик. «Энг қизиқарли иншо», «Ватанпарварлик руҳида ёзилган», «Энг яхши дунё қарашни ифодаловчи иншо», «Миллий ғурур ҳисси» мавзуларида ёзилган иншолар кўрик-танловини ўтказишимиздан асосий мақсад ҳам айнан йигит-қизларимизнинг она юртимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этган воқеаларни қай даражада билишлари, уларнинг эркин ва равон фикр-мулоҳазалари, дунёқарашларию миллий ғурур-ифтихор туйғуларини очиқ-ошкора баён этиб бера олишларини ўрганишга қаратилди. Танлов якунида турли йўналишларда ғолиблар аниқланди ва уларга фахрий ёрлиқлар топширилиб, рағбатлантирилди. Ишонамизки, бу каби қалбда ғурур ҳиссини уйғотувчи лойиҳалар бундан кейин ҳам амалга оширилади. Шу йўл билан келажак эгалари бўлмиш бугуннинг ёшлари қалби ва онгида аждодларга хос порлоқ келажакка интилиш каби эзгу туйғулар билан камол топадилар ва Ватанимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан хизмат қиладилар.

**Сабоҳат АШУРОВА**



Фестиваллар

## СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман бўлими ташаббуси билан «ЎзбекЭнерго» ДАК ҳамкорлигида «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур» шиори остида Миробод туманидаги мактаб ўқувчилари ўртасида беш кун давомида спорт мусобақалари фестивали ўтказилди.**

Бунда спортнинг беш тури, яъни мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш бўйича асосан 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган 500 нафар ўғил ва қиз болалар ўзаро куч синашдилар.

– Бу тадбирдан кўзланган асосий мақсад спорт саломатлик гарови эканлиги, соғлом турмуш тарзининг афзаллигини ёшларга етказиш, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани бўлими раиси Тўлқин Юлдошев. – Бундан ташқари Ватанимизда ҳукм сураётган тинчликнинг қадрига етиш, ўсмирлар фаоллигини ошириб, ҳар томонлама етук, соғлом, бир сўз билан айтганда, баркамол ёшлар сифатида вояга етишларига муносиб ҳисса қўшишдир.

Тадбир охирида Миробод спорт мажмуасида «ЎзбекЭнерго» ҳомийлигида таклиф этилган спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионлари ҳамда эстрадамиз юлдузлари Сардор Раҳимхон, Улуғбек Раҳматуллаев, сўз устаси Шукурулло Исроилов, ҳаваскор хонанда Камолиддин Тўлагановлар иштирокида қизиқарли концерт дастури ўтказилди.

Спорт фестивалида фаол қатнашган ва ғолиб бўлган болалар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Рухсора ЭЛЬМУРАТОВА**

**СУРАТДА:** мусобақалардан лавҳа

## ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКДА

**Ахборот-коммуникация технологиялари Ўзбекистонда тез ривожланиб бормоқда. Бинобарин, эндиликда бу технологиялардан жамиятнинг барча соҳаларида кенг фойдаланилмоқда.**

Тошкент Ахборот технологиялари университетида ўтказилган халқаро анжуманда Осиё миқёсида бу борада эришилаётган ютуқлар сарҳисоб қилинди. Унда университет ҳузуридаги Ўзбек-Корея ахборот технологиялари маркази мутахассислари ҳам қатнашиб, яхши таклифларни илгари сурдилар.

— Мен Корея Миллий тадқиқот жамғармаси аъзосиман, — дейди марказ директори жаноб Ким Сунг Су. — Ушбу марказда беш йилдан бери фаолият юритиб келаётирман. Шу ўтган давр мобайнида университетда уюштирилаётган турли анжуманларда иштирок этиб, долзарб масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этаётирман. Бу галги халқаро тадбирда ҳам юртингизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишишга муваффақ бўлдик.

**Анвар ОБИДОВ**

# ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Ҳотами Тойдан сўрадилар:**

**– Саховатни шиор қилиб олганингдан буён ўзингдай яна бир кишини кўрдингми?**

**– Бир куни катта зиёфат ташкил қилиб, теварак-атрофдаги барча одамларни чорладим. Юзта туя, ҳад-ҳисобсиз қўй-қўзилар сўйилди. Тоза ҳаво олиш учун бир лаҳза базмни тарк этиб, ташқарига чиқсам, бурни ерга теккудай бўлиб, ўтин орқалаб келаётган бир бечорага кўзим тушди.**

**– Буёқда Ҳотам бутун элни чорлаб, катта зиёфат бериб ётибди-ю, сен бўлсанг, саҳродан ўтин йиғиб юрибсан ё бехабар қолдингми? Қани, ўтинни шу ерга қўй-да, кириб қорнингни тўйғазиб чиқ! – дедим.**

**– Сўзларингдан таъманинг ҳиди келаяпти, – деди у жавобан. – Текин зиёфат деб бировнинг миннатини кўтаргандан ҳалол меҳнат заҳматини тортган афзал.**

**Бу сўзни эшитиб, шу ўтинкаш чол ҳиммат борасида мендан баланд эканлигини англадим.**

* * *

**Мажнун ҳақида ҳикоя қилишларича, у ҳар куни Лайлини кўргани келар, аммо Лайли ундан юзини яшириб олар экан. Бир куни Лайлидан:**

**– Нега юзингни ундан яширасан? – деб сўрадилар. Лайли:**

**– Ҳар куни юзимни кўрсатаверсам, унинг дилида менга нисбатан бўлган муҳаббатнинг камайиб қолишидан қўрқаман! – деб жавоб берди.**

* * *

**Қадим замонда куну тун ҳаммага амр-фармон бериб ўтган бир дилозор мансабдор мансабидан бекор бўлди. Унинг амр-фармонига ҳеч ким қулоқ солмайдиган, ҳатто ити ҳам “ёт”, ёки “қўлингни бер”, деса ириллайдиган бўлиб қолди. Мансабдор ҳар ёнга бош уриб иш чиқаролмаганидан кейин, ниҳоят ҳуморини ёзадиган бир машғулот топди: маҳалладаги ҳовуз бўйига қалин кўрпача солиб ўтириб олди-да, пақир кўтариб сувга келган ҳар бир кишига ўшқириб:**

**– Пақирингни тушир! Пақирингни торт! – деб амр-фармон бера бошлади.**

**Бу машғулот унинг анча ҳуморини ёзди.**

* * *

**Қайси бир хон шаҳар атрофига қўрғон олдиргани етти яшардан етмиш яшаргача бутун аҳолини ишга солибди: ўзи тепада туриб қараса, одамлар орасида мункайган бир чол супрадай кетмонни тешадай ўйнатиб, тупроқни терак бўйидан ҳам баландроққа ирғитаётган эмиш. Хон чолни чақиртирибди, бу сирнинг тагини суриштириб билса, чол белига минг олтин боғлаб олган экан, унинг белига қувват берган шу олтин экан. Хон олтинни унинг белидан ечиб олган экан, дарҳол тиззалари қалтираб йиқилибди-ю, ўрнидан тургани ҳарчанд уринса ҳам мажоли етмабди.**

* * *

**Бир киши чойхонага ҳаммадан олдин келиб, ҳаммадан кейин кетар экан. Бунинг сабабини сўраганларида шундай жавоб берибди:**

**– Бирга ўтирган улфатлар кетган шерикнинг кетидан дарҳол ғийбат бошлашади. Мени ҳеч ким ғийбат қилмасин деб, ҳаммадан олдин келиб, ҳаммадан кейин кетаман.**

**Эргаш ОЧИЛОВ**
**тайёрлаган**

**(Давоми бор)**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

## ОЛДИНИ ОЛГАН ОСОН

**Барчага маълумки, ҳар йили қиш мавсумига тайёргарлик кўриш арафасида республикамизнинг барча жабҳаларида ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.**

Яъни, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилиб келинади. Шу муносабат билан Сиз азизлардан ушбу ойликда фаол иштирок этиш орқали, ўзингиз, яқинларингиз соғлиғини, қолаверса, мисқоллаб йиғилган моддий бойликларингизни ёнғин чангалидан сақлаб қолишга чақирамиз. Шу ўринда оддий, аммо риоя қилиниши зарур бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини эслатиб ўтмоқчимиз.

- Ўз хонадонингизда ёқиқ ҳолдаги газ ва электр воситаларини назоратсиз қолдирманг;
- Иситиш печлари ва ўчоқларини ўт олдиришда тез аланга олувчи суюқликлар (бензин, керосин, дизель ёқилғиси)дан умуман фойдаланманг;
- Газ плитаси ва иситиш печлари тепасида кийим-кечак ва бошқа нарсаларни қуритманг;
- Ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирманг ва уларнинг олов билан ўйнашига йўл қўйманг;
- Газни резина шланг орқали уланишига йўл қўйманг, хонада газ ҳидини сезсангиз, чироқни ёқишга шошилманг, дарҳол хона деразаларини очиб шамоллатинг ва «04» рақамига қўнғироқ қилинг;
- Хонадонингиздан чиқиб кетаётганингизда электр асбоблари ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг;
- Ёнғин содир бўлган вақтда «01» рақамига қўнғироқ қилиб, манзилни аниқ кўрсатишни унутманг.

Шуни ёдингизда тутинг, ёнғиннинг олдини олиш учун юқорида айтиб ўтилган қоидаларга риоя қилинса кифоя ва буни ёш болаларга ўргатсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унутманг, ёнғинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олган осонроқ.

**М. ТУРСУНОВ,**
**Тошкент шаҳар 12-ҲЁХО 24-ҲЁХҚ кичик инспектори**

*Ўзбекистон экологик ҳаракатида «Ишонч телефони» мунтазам фаолият кўрсатмоқда*

Ҳурматли юртдошлар! Сиз яшаш ва иш жойингиздаги экологик муаммолар ва атроф-муҳитга оид қонунбузарликлар ҳақида **(8 371) 245-96-32** рақамли «Ишонч телефони»га ҳафтанинг шанба ва якшанбадан ташқари барча кунлари эрталаб соат **9.00** дан **18.00** гача қўнғироқ қилишингиз мумкин.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб енгил қор ёғиши мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб ва кечки пайт туман тушиш эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 9-11, кундузи — 4-6 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 декабрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 21 декабрда чиқади)



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2794 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 1241

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.50 1 2 3 4 5